O’zbekistonRespublikasi
Sirdaryo viloyati
Gulistonshahar hokimining

QARORI

Р Е Ш Е Н И Е
хокима города Гулистана
Сырдарьинской области
Республика Узбекистан

2019 йил 26 сентябр **№ 2304** **Гулистон шаҳри**

Гулистон шаҳрининг марказий кўчаларига йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Гулистон шаҳар Ички ишлар бўлимининг 2019 йил 27 июлдаги 30/4874-сонли хати ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосланиб, **қарор қиламан:**

1. Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимининг 2019 йил 27 июлдаги 30/4874-сонли хати ижро учун қабул қилинсин.

2. Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими (З.Қаюмов)га, Гулистон шаҳар ИИБ ЙҲХБ (Ғ.Абдуллаев)га ва Сирдарё вилоят ҳокимлиги қошидаги “Маҳсус эксплуатация” бўлими (Ф.Эгамбердиев)ларга Гулистон шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш, транспорт воситалари оқимини бир маромда тақсимлаш, юзага келиши мумкин бўлган тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида:

Навоий шох кўчаси (Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди биноси қаршиси)нинг ҳар иккала томонига жами иккита 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

Навоий шох кўчаси (Гулистон шаҳар прокуратураси биноси қаршиси)нинг ҳар иккала томонига жами иккита 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

Навоий шох кўчаси (“Миллий банк” биноси қаршиси)нинг ҳар иккала томонига жами иккита 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

И.Каримов кўчаси (Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси биноси қаршиси)да битта 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

Сайхун кўчаси (Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси биноси ён томонида)да битта 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

Сайхун кўчаси (Сирдарё вилояти прокуратураси биноси қаршиси)нинг ҳар иккала томонига жами иккита 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

Сайхун кўчаси (“Марказий юрт байроғи” майдони қаршиси)да битта 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

Ўзбекистон шох кўчаси (“Учрашув” кафеси биноси қаршиси)да битта 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

Ўзбекистон шох ва А.Навоий кўчалари кесишмасига битта 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

Ўзбекистон шох кўчаси (Сирдарё вилояти “Марказий банк” ва “Ucell” мобил алоқа компанияси бинолари қаршиси)да жами иккита 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

Шифокорлар кўчаси (Бунёдкор кўчасидан кириш жойида)да битта 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

И.Каримов ва Хондамир кўчалари кесишмасида битта 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси;

“Улуғобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Юлдузли ниҳол” мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида муассаса биносига яқинлашишда 4Л-653 автомобил йўлида тўртта 3.24 (50, 30) “юқори тезлик чекланган”, 1.21 “Болалар”, 5.16.1, 5.16.2 “пиёдалар ўтиш жойи” йўл белгиларини ўрнатиш вазифалари юклатилсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (А.Қуватов) мазкур қарор “Гулистон янгиликлари” газетасида чоп этилишини ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва тегишли ташкилот рахбарларига етказилишини ташкиллаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ж.Яриев зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилингандан сўнг кучга киради.

Шаҳар ҳокими **Т.Дадабаев**